

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҚУРБОНОВА ЛАЙЛО ЖУМАБАЕВНА

**ТАРКИБИДА ЭРИТРОЦИТ БЎЛГАН ҚОН ТАРКИБИЙ
ҚИСМЛАРИНИ КЛИНИК ҚЎЛЛАШНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ
ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Қурбонова Лайло Жумабоевна

Таркибида эритроцит бўлган қон таркибий қисмларини клиник қўллашни патогенетик асослаш ва такомиллаштириш..... 3

Қурбанова Лайло Жумабаевна

Патогенетическое обоснование и совершенствование клинического применения эритроцит содержащих компонентов крови..... 23

Kurbanova Laylo Jumabaevna

Pathogenetic substantiation and improvement of clinical application of erythrocyte-containing blood components..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҚУРБОНОВА ЛАЙЛО ЖУМАБАЕВНА

ТАРКИБИДА ЭРИТРОЦИТ БЎЛГАН ҚОН ТАРКИБИЙ
ҚИСМЛАРИНИ КЛИНИК ҚЎЛЛАШНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ
ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2813 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидов Аълонур Бахтинурович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сайфуллаева Саида Акрамжановна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Ахмедов Камолиддин Хакимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**«Трансфизиология илмий ишлаб-чиқариш
маркази» хўжалик бошқаруви ҳуқуқи бўйича
Республика давлат корхонаси (Қозоғистон
Республикаси)**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қон қуйиш ҳаётни сақлаб қолувчи даволаш муолажаларидан бири бўлганлиги сабабли, донордан олинган қонни, уни ишлатиш зарурати пайдо бўлгунига қадар, сақлаш зарурати юзага келади. Қон қуйиш муолажаси тарихи жуда узоқ бўлиб, илк маротаба инсонга қуйилган қон ҳақидаги маълумотлар 1667 йилларда пайдо бўлди. Илм-фан ва технологияларни ривожланиши аср охирларига келиб, бутун қондан кўра қоннинг айрим компонентларини (эритроцитар масса, тромбоконцентрат, лейкоцитар масса, янги музлатилган плазма, криопреципитат) қўллаш ҳам тиббий, ҳам иқтисодий тарафдан анча маъқулроқ эканлиги маълум бўлди, ҳамда 1980 йиллардан бошлаб гемотерапияда қон компонентларидан фойдаланиш устунлик қила бошлади. Шу билан бирга қон хужайраларини ҳамда бошқа таркибий қисмларини ажратиш қонга анча узоқ вақт ҳам физик, баъзан кимёвий таъсирларни англатади ва бу ажратиб олинаётган хужайраларга ноҳуш таъсир ўтказиши мумкин. Қоннинг энг кўп учровчи хужайралари – эритроцитлар ҳам сақланганда, уларнинг яшаш қобилятини пасайишига олиб келувчи қатор структур ва функционал ўзгаришларга дуч келиши мумкин. Шу муносабат билан таркибида эритроцит бўлган қон таркибий қисмларини турли хил омилларга чидамлилигини ва уларни клиник қўллашни патогенетик асослаш фундаментал тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда эритроцитар массада турли хил ишловлар ўтказилганда улардаги ўзгаришларни ўрганиш замонавий трансфизиология ва патологик физиологияни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада турли хил ишлов берилган эритроцитлар мембраналарида ёғларни перекисли оксидланиш жараёнлари маҳсулотлари микдорини, антиоксидант ферментлари фаоллигини, ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитлар мембраналарининг осмотик резистентлигини, эритроцитларнинг сорбцион/ютилиш қобилятини асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омилларнинг таъсирида инсонларнинг саломатлик ҳолатига таъсир қиладиган омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «... бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда турли қон препаратларини сифатини назорат қилиш ва яхшилаш борасидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Донорларнинг қони ҳамда унинг компонентлари уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида уларнинг физиологик хусусиятларига таъсир қилувчи турли физик ва кимёвий ўзгаришларга учрайди. Масалан, донор эритроцитларини сақлашда куйидаги ўзгаришлар кузатилади: 2,3-дифосфогицерат миқдорини оксигемоглобин диссоциацияси эгри чизиғини чап томонга силжиши билан камайиши (Bennett-Guerrero E., Veldman T.H., Doctor A. et al., 2007), микроциркуляцияни бошқарилишини бузилишига олиб келувчи NO миқдорини пасайиши (Reynolds J.D., Hess D.T., Stamler J.S., 2011), эритроцитлар мембранасининг деформациясини камайиши (Baek J.H. et al., 2012.), эритроцитлар агрегациясини ортиши (Kriebardis A.G. et al., 2008), микровезикулаларни ҳосил бўлиши ҳамда ўпкаларни ўткир зарарланиши ва қон қуйилишини бузилишига олиб келувчи биоактив липидларни (масалан, лизофосфолипидларни) кўплаб ташланиши (Cardo L.J. et al., 2008, Sweeney J., Kouttab N., Kurtis J., 2009), калий миқдорини ортиб кетиши (Kriebardis A.G., et al., 2008). Шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда клиник амалиётида эритроцитлар қуйилгандан сўнг уларнинг сақланганлик даражаси 75 % ни ташкил қилмоқдаки, бу критик ҳолатдаги беморларга эритроцитсақловчи препаратларни кўп марта қуйилганда ҳам, стабил натижа олиш имконини бермаяпти (Luten M., Roerdinkholder-Stoelwinder B., Bos H.J., Bosman G.J., 2004, Zeiler T., Muller J.T., Kretschmer V., 2003, Luten M., Roerdinkholder-Stoelwinder B., Schaap N.P., de Grip W.J., Bos H.J., Bosman G.J., 2008).

Ўзбекистонда турли омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни олдини олиш ва уларнинг асоратларини патофизиологик хусусиятларни ташхислаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Т.С. Соатов, 2022; Х.Я. Каримов, 2022; Ирисқулов Б.Ў., 2022; Р.А. Собирова, 2022) бироқ, турли қон гуруҳидаги одамлар эритроцитларининг метаболик ва функционал ҳолати масаласи ўз ечимини топмаган.

Ушбу айтилганлардан эритроцит сақловчи қон препаратларидаги эритроцитларни ҳолатини тадқиқ қилиш, ундаги бузилишларни аниқлаш

ҳамда шу асосда уларни зарарланишдан ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100153 «Ички аъзоларнинг структуравий ва функционал хусусиятларини, уларнинг ангиоархитектоникасини турли ёш даврларида нормал ва турли омиллар таъсирида ўрганиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитлар мембраналарининг зарарланиш даражасини қиёсий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитлар мембраналарида ёғларни перекисли оксидланиш жараёнлари маҳсулотлари миқдорини аниқлаш;

ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда антиоксидант ферментлари фаоллигини баҳолаш;

ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитлар мембраналарининг осмотик резистентлигини баҳолаш;

ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларнинг сорбцион/ютилиш қобилиятини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда ёғларни перекисли оксидланиш жараёнлари, уларнинг осмотик резистентлиги ҳамда сорбцион қобилияти олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гематологик, биокимёвий, биофизик, физиологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли хил ишлов берилган эритроцитларда ёғларнинг перекисли оксидланиш маҳсулотлари баҳоланганда ювилган ва музлатилган эритроцитларда малон диалдегиди ва диен конъюгатлари миқдорлари бир-биридан фарқ қилмаслиги, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда эса бу кўрсаткичлар нисбатан пастлиги исботланган;

турли хил ишлов берилган эритроцитларда антиоксидант ферментлари супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари ювилган ва музлатилган эритроцитларда юқори, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда эса пастлиги исботланган;

турли хил ишлов берилган эритроцитларнинг осмотик резистентлиги бир-биридан фарқланиши аниқланиб, осмотик резистентликнинг кескин бузилиши айниқса музлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда юқорилиги исботланган;

турли хил ишлов берилган эритроцитар масса эритроцитларининг сорбциялаш/ютилиш қобилиятидаги ўзгаришлар, яъни ювилган ва музлатилган эритроцитларда асосан сорбция кузатилиши, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда эса десорбция ҳолатлари ҳам кузатилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳсус эритроцит сақловчи турли препаратларни тайёрлашда эритроцитларни зарарланиш имконияти мавжудлиги ҳамда ушбу препаратларни тайёрлашда маълум эҳтиёткорликларни кўриш, хужайраларни зарарланишдан ҳимоя қилиш чораларини қўллаш зарурлиги кўрсатилган;

турли хил ишлов берилган эритроцитар масса эритроцитлари мембраналарида маълум бир нохуш ўзгаришлар ва функционал бузилишлар юзага келиши, ҳамда функционал бузилишларни механизмлари аниқланган;

эритроцит сақловчи турли препаратларнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва унинг инсон организми гомеостазини сақлашдаги ҳиссаси баҳоланган;

касалликларни эрта ташхислаш ва уларни профилактикасини амалга оширишда турли хил ишлов берилган эритроцитар массалари бўйича олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда ташхислаш имкониятлари юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган тажриба, физиологик, морфологик, физик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида ювилган, музлатилган, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитлар мембраналарининг зарарланиш даражасини қиёсий баҳолашни илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишни халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли хил ишлов берилган эритроцитар масса эритроцитлари мембраналарида маълум бир нохуш ўзгаришлар ва функционал бузилишлар юзага келиши, ҳамда функционал бузилишларни механизмлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу тадқиқот натижалари турли хил ишлов берилган эритроцитларни функционал фаоллигини янада чуқурроқ ўрганиш учун фундаментал асос бўлади. Бундан ташқари натижалар эритроцитларда турли хил ишлов берилганда хужайраларни зарарланишидан ҳимоя қилувчи ишловларни (маълум шарт-шароитлар, маълум цитопротектив моддалар) ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлигини кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида эритроцит бўлган қон таркибий қисмларини клиник қўллашни патогенетик асослаш ва такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: турли хил ишлов берилган эритроцитларда ёғларнинг перекисли оксидланиш маҳсулотлари баҳоланганда ювилган ва музлатилган эритроцитларда малон диальдегиди ва диен конъюгатлари миқдорлари бир-биридан фарқ қилмаслиги, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда эса бу кўрчаткичлар нисбатан пастлиги исботлангани бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майда 05-23/49-т-сон билан тасдиқланган «Донор қони эритроцитларининг ўтказувчанлик хусусиятига баҳо бериш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти қон қуйиш маркази бўйича 02.08.2023 йилдаги 33-І-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 08.08.2023 йилдаги 01-4/7/3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/39-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усул жароҳатланган ёки кўп қон йўқотган беморларда қон шаклли элементларни ва қон йўқотиш пайтида йўқолган айланма қон ҳажмини тўлдиришга имкон беради, даволаш самарадорлигини оширади ва асоратларни олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* донор қонини узоқ муддатли сақлаш учун эритроцитларини ювиш ва музлатиш усулидан фойдаланиш даволаш самарадорлигини оширади, ўлим ва ногиронликни камайтиради. Таклиф этилган усул билан олинган қонни сақлашда унинг таркибидаги эритроцитларнинг ўтказувчанлиги нурланган ва филтрланган эритроцитларга қараганда юқори бўлади, бу донор қонини сақлаш харажатларини 20% га камайтириш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: турли хил ишлов берилган эритроцитларда антиоксидант ферментлари супероксиддисмутаза ва каталаза фаолликлари ювилган ва музлатилган эритроцитларда юқори, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда эса пастлиги исботлангани бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майда 05-23/49-т-сон билан тасдиқланган «Донор қони эритроцитларининг ўтказувчанлик хусусиятига баҳо бериш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти қон қуйиш маркази бўйича 02.08.2023 йилдаги 33-І-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 08.08.2023 йилдаги 01-4/7/3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/39-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усул жароҳатланган ёки кўп қон йўқотган беморларда қон шаклли элементларни ва қон йўқотиш пайтида йўқолган айланма қон ҳажмини тўлдиришга имкон беради, даволаш самарадорлигини оширади ва асоратларни олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* донор қонини узоқ муддатли сақлаш учун эритроцитларини ювиш ва музлатиш усулидан фойдаланиш даволаш самарадорлигини оширади, ўлим ва ногиронликни камайтиради. Таклиф этилган усул билан олинган қонни сақлашда унинг таркибидаги эритроцитларнинг ўтказувчанлиги нурланган ва

филтрланган эритроцитларга қараганда юқори бўлади, бу донор қонини сақлаш харажатларини 20% га камайтириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: турли хил ишлов берилган эритроцитларнинг осмотик резистентлиги бир-биридан фарқланиши аниқланиб, осмотик резистентликнинг кескин бузилиши айниқса музлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда юқорилиги исботлангани бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майда 05-23/49-т-сон билан тасдиқланган «Донор қони эритроцитларининг ўтказувчанлик хусусиятига баҳо бериш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти қон қуйиш маркази бўйича 02.08.2023 йилдаги 33-І-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 08.08.2023 йилдаги 01-4/7/3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/39-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усул жароҳатланган ёки кўп қон йўқотган беморларда қон шаклли элементларни ва қон йўқотиш пайтида йўқолган айланма қон ҳажмини тўлдиришга имкон беради, даволаш самарадорлигини оширади ва асоратларни олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* донор қонини узоқ муддатли сақлаш учун эритроцитларини ювиш ва музлатиш усулидан фойдаланиш даволаш самарадорлигини оширади, ўлим ва ногиронликни камайтиради. Таклиф этилган усул билан олинган қонни сақлашда унинг таркибидаги эритроцитларнинг ўтказувчанлиги нурланган ва филтрланган эритроцитларга қараганда юқори бўлади, бу донор қонини сақлаш харажатларини 20% га камайтириш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: турли хил ишлов берилган эритроцитар масса эритроцитларининг сорбциялаш/ютилиш қобилиятидаги ўзгаришлар, яъни ювилган ва музлатилган эритроцитларда асосан сорбция кузатилиши, нурлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда эса десорбция ҳолатлари ҳам кузатилиши исботлангани бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майда 05-23/49-т-сон билан тасдиқланган «Донор қони эритроцитларининг ўтказувчанлик хусусиятига баҳо бериш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти қон қуйиш маркази бўйича 02.08.2023 йилдаги 33-І-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 08.08.2023 йилдаги 01-4/7/3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/39-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усул жароҳатланган ёки кўп қон йўқотган беморларда қон шаклли элементларни ва қон йўқотиш пайтида йўқолган айланма қон ҳажмини тўлдиришга имкон беради, даволаш самарадорлигини оширади ва асоратларни олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* донор қонини узоқ муддатли сақлаш учун эритроцитларини ювиш ва музлатиш усулидан фойдаланиш даволаш самарадорлигини оширади, ўлим ва ногиронликни камайтиради. Таклиф этилган усул билан олинган қонни

сақлашда унинг таркибидаги эритроцитларнинг ўтказувчанлиги нурланган ва филтрланган эритроцитларга қараганда юқори бўлади, бу донор қонини сақлаш харажатларини 20% га камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эритроцитларнинг тузилиши, метаболик ва функционал ҳолатлари ҳақидаги замонавий маълумотлар (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобда мавзунинг долзарблиги хорижий ва маҳаллий муаллифлар томонидан ўрганилган илмий манбалар асосида мазкур муаммонинг ҳозирги ҳолатига батафсил тўхталиб ўтган. Ушбу бобда эритроцитларнинг ўтказувчанлик хусусиятлари, эритроцитларнинг физиологик функциясига оксидланиш реакцияларининг механизмлари ва таъсири, донор қонини узок муддатли сақлашнинг замонавий усуллари ва эритроцитларни ўз ичига олган қон таркибий қисмларини турли касалликларда қўллаш ҳолатлари ёритилган.

Диссертациянинг «**Таркибида эритроцит бўлган қон таркибий қисмларини текширишнинг услубий асослари**» деб номланган иккинчи бобда келтирилган бўлиб, ушбу бобда тадқиқотнинг объекти ва ҳажми, шунингдек, қўлланилган усуллари баён қилинган. Тадқиқотлар донорлар қонида ўтказилганлиги туфайли тажрибалар ўтказиш учун қон Республика қон қуйиш марказида ўзбек миллатига оид 21-62 ёшли жами 131 эркак донорлардан олинган. Ўтказилган тадқиқотларда: гематологик, биокимёвий, биофизик, физиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Барча ўрганилган донорлар қонининг умумий таҳлилида қуйидагилар: эритроцитлар (RBC), лейкоцитлар (WBC), тромбоцитлар (PLT) ва гемоглобин (Hb) миқдори аниқланган. Олинган қондан эритроцитар масса ажратиб олиниб, уларни бир қисмидан ювилган эритроцитлар ҳосил қилинган, бир қисми музлатилган, бир қисми нурлатилган ва яна бир қисми лейкофилтрланган. Эритроцитларни умумий оқсил, альбумин, глюкоза, холестерин, триглицерид, юқори зичликдаги липопротеидлар, паст зичликдаги липопротеидлар, мочевино ва креатинин каби эндоген моддаларни сорбциялаш қобилияти ўрганилган. Қон плазмаси таркиби HumaStar 100 (Германия Федератив Республикаси) автоматик биокимёвий анализатори ёрдамида аниқланган.

Эритроцитларни абсорбциялаш/ютилиш тезлигини аниқлаш учун қон плазмасида умумий оқсил (г/л), альбумин (г/л), глюкоза (ммоль/л), холестерин (ммоль/л), триглицеридлар (ммоль/л), мочевино (ммоль/л) ва креатинин (мкмоль/л) миқдорлари аниқланиб, кейин уларга ювилган эритроцитар масса 1:1 нисбатда қўшилди ва 10 дақиқа инкубация қилинди. Сўнг пробиркалар 3000 айл./мин тезликда центрифугаланди. Плазма ажратиб олиниб, яна биокимёвий анализаторга юқоридаги эндоген моддалар аниқланди. 1- ва 2-натижалар фарқи бўйича эндоген моддаларни абсорбциялаш/ютилиш тезлигини аниқланди.

Олинган натижалар шахсий компьютерда STATISTICA 6.0 статистик дастурлар пакети ёрдамида қайта ишланди. Фарқлар $P < 0,05$ да аҳамиятли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Турли хил ишлов берилган эритроцитар массадаги эритроцитлар мембраналарининг функционал ҳолати» деб номланган учинчи бобида турли хил ишлов берилган эритроцитар массадаги эритроцитларда ёғларнинг перикисли оксидлаши ўрганилди. Тадқиқот натижаларимизни кўрсатишича ювилган эритроцитларда МДА миқдори 3,05 дан 5,47 мкмоль/л.ни ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Турли усулларда тайёрланган эритроцитар массада ёғларнинг спонтан перекисли оксидланиш маҳсулотлари миқдори

Кўрсаткичлар	Бирликлар	Эритроцитлар			
		Ювилган	Музлатилган	Нурлатилган	Филтрланган
МДА	мкмоль/л	4,64±0,22	4,41±0,21 [^]	6,58±0,37 [*]	16,24±0,79 ^{*,^,#}
	min ÷ max	3,05 ÷ 5,47	2,9 ÷ 5,19	4,95 ÷ 8,54	10,68 ÷ 19,13
ДК	нмоль/мл	1,70±0,05	1,61±0,04 [^]	4,32±0,22 [*]	5,09±0,14 ^{*,^,#}
	min ÷ max	1,48 ÷ 2,00	1,41 ÷ 1,90	3,15 ÷ 5,55	4,44 ÷ 6,00

Изоҳ: * – $P < 0,05$ ювилган эритроцитларга нисбатан; ^ – $P < 0,05$ нурланган эритроцитларга нисбатан; # – $P < 0,05$ музлатилган эритроцитларга нисбатан.

Бунда ўртача миқдор $4,64 \pm 0,22$ мкмоль/л га тенг бўлди. Ушбу эритроцитларда ДК миқдорини ўрганиш уларни 1,48 дан 2,00 нмоль/л оралиғида эканлигини кўрсатди. Бунда уларнинг ўртача миқдори $1,70 \pm 0,05$ нмоль/л га тенг бўлди. Музлатилган эритроцитларда эса МДА миқдори 2,90 дан 5,19 мкмоль/л оралиғида бўлди. Бунда ўртача миқдор $4,41 \pm 0,21$ мкмоль/л ни ташкил қилди. Музлатилган эритроцитларда ДК ўрганиш уларнинг миқдорини 1,41 дан 1,90 нмоль/л оралиғида эканлигини кўрсатди ва бунда уларнинг ўртача миқдори $1,61 \pm 0,04$ нмоль/л га тенг бўлди.

Тадқиқотларимиз нурлатилган эритроцитларда МДА миқдори 4,95 дан 8,54 мкмоль/л оралиғида эканлигини кўрсатди. Бунда ўртача миқдор $6,58 \pm 0,37$ мкмоль/л ни ташкил қилди. Ушбу эритроцитларда ДКни ўрганиш эса уларнинг миқдори 3,15 дан 5,55 нмоль/л оралиғида эканлигини ва уларнинг ўртача миқдори $4,32 \pm 0,22$ нмоль/л га тенг эканлигини кўрсатди. Ва, ниҳоят, тадқиқотларимиз лейкофилтрланган эритроцитларда МДА миқдори 10,68 дан 19,13 мкмоль/л оралиғида ўзгаришини кўрсатди. Бунда ўртача миқдор $16,24 \pm 0,79$ мкмоль/л ни ташкил қилди. Лейкофилтрланган эритроцитларда ДК миқдори 4,44 дан 6,00 нмоль/л оралиғида бўлгани ҳолда, ўртача миқдор $5,09 \pm 0,14$ нмоль/л ни ташкил этди.

Турли усулларда тайёрланган эритроцитар массани ўзаро солиштириш ювилган ва музлатилган эритроцитларда МДА миқдорини бир-биридан фарқланмаслигини кўрсатди. Нурлатилган эритроцитларда МДА миқдори ювилган ва музлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 41,8 ва 49,2% га юқори бўлди. Лейкофилтрланган эритроцитларда эса МДА миқдори ювилган, музлатилган ва нурлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 250,0, 268,3 ва 146,8% га юқори бўлди.

Айнан шундай таҳлилни ДК миқдорини ўрганишда ҳам ўтказдик. Тадқиқотларимиз бунда ҳам турли усулларда тайёрланган эритроцитар массани ўзаро солиштиришда ювилган ва музлатилган эритроцитларда ДК миқдорини бир-биридан фарқланмаслигини кўрсатди. Нурлатилган эритроцитларда ДК миқдори ювилган ва музлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 154,1 ва 168,3% га юқори бўлди. Лейкофилтрланган эритроцитларда эса ДК миқдори ювилган, музлатилган ва нурлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 199,4, 216,2 ва 17,8% га юқори бўлди.

Тадқиқотларимиз натижалари ювилган эритроцитларда СОДнинг фаоллиги 9,42 дан 14,30 бирл./мл га тенг эканлигини кўрсатди. Бунда СОД фаоллигининг ўртача миқдори $11,42 \pm 0,44$ бирл./мл га тенг бўлди. Ушбу эритроцитларда КАТ фаоллигини ўрганиш улар 37,17 дан 64,30 мкКат/мл оралиғида эканлигини кўрсатди. Бунда унинг ўртача миқдори $48,40 \pm 2,72$ мкКат/мл га тенг бўлди. Музлатилган эритроцитларда СОДнинг фаоллиги 12,53 дан 10,02 бирл./мл га тенг бўлди. Бу эритроцитларда СОД фаоллигининг ўртача миқдори эса $15,19 \pm 0,59$ бирл./мл га тенглашди. Ушбу эритроцитларда КАТ фаоллигини ўрганиш улар 49,44 дан 85,52 мкКат/мл оралиғида эканлигини кўрсатди. Бунда унинг ўртача миқдори $64,37 \pm 3,62$ мкКат/мл га тенг бўлди. Нурлатилган эритроцитларда эса СОДнинг фаоллиги


6,73 дан 10,21 бирл./мл оралиғида ўзгарди. Бу эритроцитларда СОД фаоллигининг ўртача миқдори эса $8,16 \pm 0,32$ бирл./мл га тенглашди. Ушбу эритроцитларда КАТ фаоллигини ўрганиш улар 23,23 дан 40,19 мкКат/мл оралиғида эканлигини кўрсатди. Бунда унинг ўртача миқдори $30,25 \pm 1,70$ мкКат/мл га тенг бўлди. Лейкофилтрланган эритроцитларда СОДнинг фаоллиги 2,69 дан 4,09 бирл./мл оралиғида ўзгарди. Ушбу эритроцитларда СОД фаоллигининг ўртача миқдори эса $3,26 \pm 0,13$ бирл./мл га тенглашди. Лейкофилтрланган эритроцитларда КАТ фаоллигини ўрганиш улар 6,41 дан 11,09 мкКат/мл оралиғида эканлигини кўрсатди. Бунда унинг ўртача миқдори $8,34 \pm 0,47$ мкКат/мл га тенг бўлди.

Турли усулларда тайёрланган эритроцитар массани ўзаро солиштириш ва музлатилган эритроцитларда СОД миқдори ювилган эритроцитларникидан ишончли равишда 33%га юқорилигини кўрсатди. Нурлатилган эритроцитларда СОД фаоллиги, аксинча, ювилган ва музлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 28,6 ва 46,3% га паст бўлди. Лейкофилтрланган эритроцитларда эса СОД фаоллиги ювилган, музлатилган ва нурлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 71,5, 78,5 ва 60,1% га паст бўлди.

Айнан шундай ҳолатни КАТ фаоллигини ўрганишда ҳам кузатдик. Музлатилган эритроцитларда ушбу фермент фаоллиги ювилган эритроцитларникига қараганда ишончли равишда 33% га юқорилигини кўрсатди. Нурлатилган эритроцитларда КАТ фаоллиги, аксинча, ювилган ва музлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 37,5 ва 53,0% га паст бўлди. Лейкофилтрланган эритроцитларда эса КАТ фаоллиги ювилган, музлатилган ва нурлатилган эритроцитлардан статистик ишончли, мос равишда, 82,8, 87,0 ва 72,4% га паст бўлди.

Шундай қилиб, олинган натижаларимиз турли усулларда тайёрланган эритроцитар массада ЁПО маҳсулотлари миқдори ҳамда антиоксидант ферментлари фаоллигида маълум ўзгаришлар мавжудлигидан далолат беради.

Турли усулда тайёрланган эритроцитларда осмотик резистентликни ўрганиш натижалари 1-расмда келтирилган. Ювилган эритроцитларда гемолиз эритманинг осмотик босими 175 mOsm/kg H₂O га етганда бошланди. 85,4%га тенг бўлган максимал гемолиз даражаси 10 mOsm/kg H₂O да кузатилди. Нурлантирилган эритроцитларда гемолиз эритманинг осмотик босими 210 mOsm/kg H₂O га етганда кучая бошлади. 84,3%га тенг бўлган максимал гемолиз даражаси 10 mOsm/kg H₂O да кузатилди. Музлатилган эритроцитларда гемолиз эритманинг бошланғич позициясидан, яъни 290 mOsm/kg H₂O дан бошланди. 100%га тенг бўлган максимал гемолиз даражаси 10 mOsm/kg H₂O да кузатилди. Лейкофилтрланган эритроцитларда ҳам, музлатилган эритроцитлар каби, гемолиз эритманинг бошланғич позициясидан, яъни 290 mOsm/kg H₂O дан бошланди. 90,8%га тенг бўлган максимал гемолиз даражаси 10 mOsm/kg H₂O да кузатилди.



1-расм. Турли хил ишлов берилган эритроцитар массадаги эритроцитларнинг осмотик резистентлиги.

♦ - ювилган, ■ – нурлатилган, X – музлатилган, ▲ - лейкофилтрланган эритроцитлар, Ордината ўқида – гемоллиз даражаси (%), абсцисса ўқида – осмотиклик (мОсм/кг H₂O)

Ўтказилган тадқиқотлар ювилган ва нурлатилган эритроцитларга қараганда музлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда бошланғич позицияда гемоллиз даражасини анча юқорилигини кўрсатди. Бунда ювилган ва нурлатилган эритроцитларда 290 mOsm/kg H₂O осмотик босимда (бошланғич позиция) гемоллиз даражаси, мос равишда, 6,0 ва 1,9%ни ташкил қилган бўлса, музлатилган эритроцитлар учун ушбу осмотик босимда гемоллиз даражаси 25,4%ни, лейкофилтрланган эритроцитлар учун эса – 77,4%ни ташкил қилди. Олинган натижалар эритроцитларни 50%ли гемоллизга олиб келувчи самарадор осмотик босим (СБ_{50%}) ювилган, нурлантирилган ва музлатилган эритроцитлар учун, мос равишда, 37,5, 58,0 ва 178,0 mOsm/kg H₂O ни ташкил этишини кўрсатди. Лейкофилтрланган эритроцитларнинг бошланғич позициядаги (290 mOsm/kg H₂O) гемоллиз даражаси 50%дан юқори бўлганлиги сабабли (77,4%) СБ_{50%} даражасини аниқлаб бўлмади. Шундай қилиб, олинган натижалар музлатилган ва, айниқса, лейкофилтрланган эритроцитларнинг осмотик резистентлиги кескин пасайиб кетганлигини кўрсатди.

Тадқиқотларимиз натижалари таркибида эритроцит бўлган қон таркибий қисмларини тайёрлашда қўлланиладиган ишловлар эритроцитларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатишидан далолат беради. Бундай ташқи таъсирларга

авваламбор хужайра мембранаси учраб, айна мембранада зарарланишлар юзага келиши мумкин. Тадқиқотларимиз чиндан ҳам эритроцитлар нурлантирилганда ва айниқса лейкофилтрланганида ЁПО жадаллиги кескин ортишини кўрсатмоқда. ЁПО жараёнлари жадаллиги ортиши, ўз навбатида, хужайра фосфолипидлари тўйинмаган ёғ кислоталари структурасини бузиб, хужайра мембранасининг ўтказувчанлигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари ҳам шундан дарак бермоқда. Турли хил ишлов берилган эритроцитларнинг осмотик резистентлиги бир-биридан анчагина фарқланмоқда. Осмотик резистентликнинг кескин бузилиши айниқса музлатилган ва лейкофилтрланган эритроцитларда яққол намоён бўлди.

Диссертациянинг «Турли хил ишлов берилган эритроцитар массадаги эритроцитларнинг сорбциялаш/ютилиш қобилияти» деб номланган тўртинчи бобида турли усулларда тайёрланган эритроцитар масса эритроцитларининг сорбциялаш/ютилиш қобилиятидаги ўзгаришларга асосан 2 гуруҳни ажратиш имконини берган.

Турли шаклда тайёрланган эритроцитар массалардаги эритроцитларнинг сорбциялаш/ютилиш қобилиятини ўрганиш учун биз томондан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ювилган эритроцитларнинг умумий оксилларни сорбциялаш қобилияти назоратга нисбатан 3 маротаба ортиқ экан (2-жадвал), яъни назоратдаги эритроцитлар 1 дақиқада 489 мг оксилни адсорбциялаган бўлса, ювилган эритроцитлар 1 дақиқада 1440 мг оксилни адсорбциялаган. Ювилган эритроцитларни альбуминни сорбциялаш қобилияти ҳам назоратга нисбатан 1,3 марта ортиқлиги (назоратдаги 711 мг/дақ га қарши 900 мг/дақ) аниқланди. Назоратда глюкозанинг ютилиши 148 мкмоль/дақ бўлган бўлса, ювилган эритроцитлар дақиқада 838 мкмоль глюкозани ютди. Ювилган эритроцитларнинг липидларни сорбциялаш хусусияти ўрганилганда аниқландики, ювилган эритроцитларни холестеринни сорбциялаш қобилияти назоратга нисбатан 2,7 марта ортганлигини кўрсатди, триглицеридларни сорбциялаш қобилияти 1,5 марта юқори бўлди. ЮЗЛП назорат ва ювилган эритроцитлар томонидан сорбцияланиш тезлиги бир-биридан фарқланмади. Шу билан бирга ювилган эритроцитлар томонидан ПЗЛПларни сорбцияланиши назоратга нисбатан 1,7 марта паст бўлди. Ювилган эритроцитларни сийдикчилни ютилиш тезлиги назоратга нисбатан 1,2 марта юқори, креатининни сорбциялаш қобилияти эса 4,9 марта юқори бўлди. Шундай қилиб, ювилган эритроцитларда турли эндоген моддаларни сорбциялаш/ютилиш қобилиятида анча катта ўзгаришлар кузатилади. Бунда эндоген моддаларни сорбциялаш/ютилиш тезлиги асосан ортади.

Эритроцитларнинг сорбциялаш/ютилиш қобилияти шунингдек нурлантирилган эритроцитларда ҳам ўрганилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, нурлантирилган эритроцитларнинг умумий оксилларни сорбциялаш қобилияти назоратга нисбатан 3,2 маротаба юқори. Бунда назоратдаги эритроцитлар 1 дақиқада 489 мг оксилни адсорбциялагани ҳолда, нурлантирилган эритроцитлар 1 дақиқада 1560 мг оксилни адсорбциялаган.

Ювилган эритроцитларнинг қон плазмасидан турли моддаларни сорбциялаш/ютилиш қобилияти

Кўрсаткичлар, ўлчамлилик	Статистик кўрсаткичлар	Эритроцитлар	
		Назорат	Ювилган
Умумий оксил, г/л	M±m, инкубациягача	68,22±1,04	48,0±2,49
	M±m, инкубациядан сўнг	63,33±1,76 [#]	33,6±1,35 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 7,2	- 30,0
	сорбция, десорбция (*), мг/дақ	489	1440
Альбумин, г/л	M±m, инкубациягача	52,78±1,19	32,0±1,39 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	45,67±1,37 [#]	23,00±0,45 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 13,5	- 28,1
	сорбция, десорбция (*), мг/дақ	711	900
Глюкоза, ммоль/л	M±m, инкубациягача	4,89±0,11	22,1±1,19 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	3,41±0,13 [#]	13,72±0,22 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 30,3	- 37,9
	сорбция, десорбция (*), мкмоль/дақ	148	838
Холестерин, ммоль/л	M±m, инкубациягача	5,34±0,22	1,74±0,11 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	4,98±0,23	0,76±0,06 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 6,7	- 56,3
	сорбция, десорбция (*), мкмоль/дақ	36	98
Триглицеридлар, ммоль/л	M±m, инкубациягача	1,40±0,17	0,80±0,03 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	1,25±0,19	0,58±0,01 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 10,8	- 27,5
	сорбция, десорбция (*), мкмоль/дақ	15	22
ЮЗЛП, ммоль/л	M±m, инкубациягача	1,15±0,05	0,46±0,04 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	1,01±0,07	0,31±0,02 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 12,2	- 32,6
	сорбция, десорбция (*), мкмоль/дақ	14	15
ПЗЛП, ммоль/л	M±m, инкубациягача	3,65±0,20	0,71±0,03 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	3,33±0,21	0,52±0,01 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 8,8	- 26,8
	сорбция, десорбция (*), мкмоль/дақ	32	19
Сийдикчил, ммоль/л	M±m, инкубациягача	5,44±0,35	3,10±0,17 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	4,66±0,32	2,18±0,15 ^{^#}
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 13,3	- 29,7
	сорбция, десорбция (*), мкмоль/дақ	78	92
Креатинин, мкмоль/л	M±m, инкубациягача	104,22±5,17	135,0±3,49 [^]
	M±m, инкубациядан сўнг	97,78±5,46	103,40±1,77 [#]
	камайиши (-), ортиши (+),%	- 6,2	- 23,4
	сорбция, десорбция (*), нмоль/мин	644	3160

Изоҳ: [^] – назоратга нисбатан ишончли фарқ; [#] – инкубацияга нисбатан ишончли фарқ;
* – десорбция.

Нурлантирилган эритроцитларнинг альбуминни сорбциялаш қобилиятида ўзгариш кузатилмади. Нурлантирилган эритроцитларнинг глюкозани ютилиши 100%ни ташкил қилди. Нурлантирилган эритроцитларнинг липидларни сорбциялаш қобилиятини ўрганиш уларни бирламчи плазма билан инкубция қилинганда холестеринни миқдори

инкубацион муҳитда 14%га ортганлигини кўрсатди. Бу сорбция ўрнига десорбция содир бўлганлигини англатади. Ҳисоблашлар нурлантирилган эритроцитлар холестеринни муҳитга дақиқада 24 мкмоль миқдорида десорбциялаганини кўрсатди. Нурлантирилган эритроцитлар триглицеридлар ҳамда ЮЗЛПларни деярли сорбцияламади. Шу билан бирга, нурлантирилган эритроцитларда ПЗЛПлар десорбцияси кузатилди. Бунда ушбу липопротеидлар эритроцит мембраналаридан муҳитга дақиқада 28 мкмоль миқдорида ажралиб чиқди. Нурлантирилган эритроцитлар сийдикчилни ҳам десорбциялади, бунда десорбция тезлиги дақиқада 102 мкмольни ташкил қилди (назоратда сорбция кузатилди). Нурлантирилган эритроцитлар креатининни ҳам деярли сорбцияламади. Шундай қилиб, нурлантирилган эритроцитларда турли эндоген моддаларни сорбциялаш/ютилиш қобилиятида жуда катта ўзгаришлар кузатилади экан. Бунда эндоген моддаларни нафақат сорбциялаш/ютилиш, балки тескари жараёнлар ҳам, яъни десорбция ҳам кузатилади.

